

киши имом ал-Ашъарийга ўхшаб ҳар хил йўлларда ва турланишларда бўлмаган. Балки аввал бошдан мўътадил йўлдан бориш имконини топган. У киши кези келганда нақлга, кези келганда ақлга суяниб иш кўрган.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи фуқаҳолар ва муҳаддислар даъват қилган нарсага чақирган. У киши жуда ҳам машҳур бўлиб, Мовароуннаҳрда барча унга мурожаат қилган. У кишидан фикҳ, усули фикҳ ва бошқа диний илмларни таълим олишган.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи усул бўйича «Китобул жадал»ни ва фикҳда «Маъохизуш шарийъа» китобларини таълиф қилганидан кейин шуҳрати яна ҳам ошиб кетди. Шундан кейин илми каломда шуҳрат қозониб, Хуросон аҳлининг мазҳаб соҳибига айланди.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг ақийдадаги мазҳаби Абулҳасан ал-Ашъарийнинг мазҳабига тенг бўлди.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи бир қанча китоблар ёзган. «Китобур радди ала ал-Каъбий ал-Мўътазилий», «Китоб авҳомул Мўътазила», «Китобур радди ала ал-Мўътазила», «Китобур радди ала ал-Қаромита», «Китобур радди ала-ар-Рофиза», «Китобут тавҳид» ва «Таъвилоту аҳлис сунна» китоблари шулар жумласидандир.

Аҳли сунна ва жамоа мазҳабининг икки катта имомларининг ақийдаларини солиштириб кўрган шайх Муҳаммад Абдуҳу икки томон ўттизга яқин масалада хилоф қилганларини, аммо аксари уламолар бу хилофлар фақат лафзда экани, жавҳар эса тамоман бир-бирига ўхшаш эканини таъкидлашларини қайд қилган.

Баъзи муҳаққиқ уламолар ал-Мотуридий билан ал-Ашъарийнинг ораларида асосан учта масалада хилоф борлигини айтадилар.

Биринчиси, Ал-Ашъарий ҳолни нафий қилади ва шунинг учун унинг фикрича, сифати зоидалар йўқ ҳисобланади. Ал-Мотуридий эса уларни собит, дейди.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи, таквийн сифати бор, у ҳар бир махлуққа шомил сифатдир, дейди. Ал-Ашъарий бу номдаги сифат йўқлигини айтади.

Шунингдек, улар савобу иқоб ҳамда ирода ҳурлиги ҳақида ихтилоф қилишган.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг тафсирида мўътазила, хавориж, рофиза, карромий, жаҳмий, мушаббиха, мунажжим, фолбин ва бошқаларнинг фикрларини муноқаша қилган ва ҳаммаларига раддия берган. У киши Аҳли сунна ва жамоанинг мазҳабини қўллаб-қувватлаган.

Кейинчалик имом Ғаззолий, Саъдуддин Тафтазоний, имом Таҳовий, имом Умар Насафий ва бошқа уламолар ақоид илмида кўзга кўринган уламолардан бўлдилар.

Ҳозирги давримизда ақоид илмини янгидан ўрганиб чиқиш ва қадимги уламоларнинг китобларидан фойдаланиб, ҳозирги замон талабларини ҳисобга олиб ақийда китоблари таълиф қилиш йўлга қўйилди. Бу борада кўплаб китоблар ёзилди.

Шайх Абдулҳамид Соиҳнинг «Ақийдатул муслими ва маа ятаъаллақу биҳи» – «Мусулмоннинг ақийдаси ва унга тегишли нарсалар», устоз Абдурроҳман Ҳабаннакал Майдонийнинг «Ал-Ақийда ал-Исломия ва усусуҳа» – «Исломи ақийдалар ва уларнинг асослари», доктор Муҳаммад Саъид Рамазон Бутийнинг «Кубро яқийниётил кавния» – «Борлиқнинг энг улкан ишончи», шайх Муҳаммад Ғаззолийнинг «Ақийдатул муслим» – «Мусулмоннинг ақийдаси», шайх Саййид Собиқнинг «Ал-Ақоид ал-Исломия» – «Исломи ақийдалар» асарлари каби китоблар ёзилди.

Мазкур замонавий китобларда ҳозирги замон мусулмонларига ўз ақийдаларини осон ва тушунарли йўл билан баён қилиб беришга ҳаракат қилинган. Биз ҳам худди шу фикр билан иш бошладик, Аллоҳ таолонинг Ўзи мададкоримиз бўлсин!

«Сунний ақийдалар» китобидан